

2022 йил « 06 » 01

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи РИВОЖ ОМАД ФАЙЗ Х/К (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади) номидан раҳбар Усмонов Х.Р. биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Челси Фудбол клуби номидан К. Ахмедов (келгусида «Сотиб олувчи» деб аталади) ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га маҳсулотларини етказиб беради.

№	Наименования	Ед.Изм	Цена	Кол-во	Сумма	НДС		Цена с учётом НДС
						Ставка	Сумма	
2	Сервис 82,5%	pc	37000	1597	59089000	15%		59089000
						15%		
						15%		
						15%		
	Маълум:				59089000			59089000

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати (Ўзингизнинг шартномасида келтирилган сумманинг) сўмни ташкил қилади.

2. ҲИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ.

2.1. «Сотиб олувчи» маҳсулот учун олдиндан 30 % миқдорда аванс тўловини шартнома имзолангандан сўнг 10 (ўн) кун ичида пул ўтказиш йўли билан амалга оширади. «Сотиб олувчи» колган 70% лик пул тўловини маҳсулот етказиб берилгандан сўнг 60 календар кун ичида амалга оширади.

2.2. «Етказиб берувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, ҳисобварақ-фактураларига асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун «Сотиб олувчи» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

2.3. Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Агар Давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Етказиб берувчи» зиммасидан қопланади.

2.4. Ишлаб чиқарувчилар учун маҳсулотнинг калькуляцияси ва баҳолар прејскуранти асосида нарх белгиланади.

2.5. Нарх-наволарнинг ўзгариши, энг кам ойлик иш ҳақининг кўтарилиши ёки камайиши, пулнинг қадрсизланиши оқибатида шартнома қиймати «Етказиб берувчи» томонидан қайта кўриб чиқилади ва «Сотиб олувчи» томонидан янги нархлар бўйича ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

3.1. «Етказиб берувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни «Сотиб олувчи»нинг манзилгоҳига белгиланган муддатларда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

4. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»нинг вакилига, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатгандан сўнг маҳсулот беради.

4.2. «Етказиб берувчи» маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва хоказолар)га асосан айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб беришига қафолат беради.

4.3. «Сотиб олувчи» шартномада кўрсатилган маҳсулотни сифати, нави ва категорияси талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.

4.4. «Сотиб олувчи» қабул қилиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда, «Етказиб берувчи»га ёзма далолатнома юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни «Етказиб берувчи»га қайтариб беради.

4.5. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган маҳсулотларни беради. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»нинг ишонч қоғозида кўрсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч қоғозида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда, бу маҳсулотлар учун «Сотиб олувчи» томонидан қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

4.6. «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар «Етказиб берувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

4.7. «Етказиб берувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши, шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган

тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маъ сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

5. ЖАРИМАЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

5.1. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб берилган ҳолда «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 0,5 %, лекин шартноманинг 1.2. бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50 % ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Етказиб берувчи» муддати ўтган маҳсулотларни умумий қийматини 0,4 %ни ҳар бир муддати ўтган кун учун, лекин шартнома умумий суммасининг 50 % дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчи»га жарима тўлайди.

5.3. Жарималар тўланиши «Етказиб берувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. ФОРС – МАЖОР ҲОЛАТЛАР.

6.1. Шартнома тузилгандан сўнг табиий офатлар (ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин, эпидемия), уруш, ҳукуматнинг норматив - ҳуқуқий ҳужжати, томонларнинг хоҳишидан қатъий назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда шартноманинг вазифалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар бўлмайди. Агар ушбу ҳолат 3 ой давомида бартараф этилмаса ва тугаши аниқланмаса тарафлардан бирининг тушаббуси билан 10 кун олдин ёзма хабар юбориш йўли билан шартномани бекор қилишлари мумкин.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг ва «Фуқаролик кодекси»нинг 366-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганда, ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «06» 01 дан «31» 12 2022 йилгача.

7.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулот «Сотиб олувчи» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Етказиб берувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда шартнома «Сотиб олувчи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинган тўғрисида «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Агар ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан, «Етказиб берувчи» ҳудудидаги Иктисодий судлари орқали хал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланиб ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний деб ҳисобланади.

9. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

РИВОЖ ОМАД ФАЙЗ Х/К

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Маргилон шаҳар, Мамлакат №127

Тел./факс _____

х/в: 20208000504703990001

Банк номи: ПСБ Киргули филиали

МФО: 00524 СТИР: 300828621

ОКЭД 10390

Раҳбар _____ Х.Усмонов

(Ф.И.Ш)

М.Ў.



«СОТИБ ОЛУВЧИ»

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, М. Умаров кўчаси, 10

Тел./факс 73-432-13-95

ш/х* 100022860302037091100251001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 305154667

ОКОНХ: 92400

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент ш.

МФО 00014 СТИРи 201122919

Раҳбар _____

(Ф.И.Ш)

М.Ў.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ XN43101128

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi:

“Rivoj Omad fayz” x/k bilan Oltiariq tumani maktabgacha ta’lim bo’limi o’rtasida maxsulot yetkazib berish to’g’risidagi 2022 yil 06 yanvar kungi 1-sonli shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Shartnoma loyihasi Oltiariq tumani maktabgacha ta’lim bo’limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o’tkazish uchun 2022 yil 13 yanvar kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

Markaz bosh yuriskonsulti



A.Shokirov

2022 yil 17 yanvar